



## ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

25 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Буюк Британиянинг «Ротшилд Энд Санс ЛТД» банки раиси сэр Эвелин де Ротшилднинг қабул қилди. 1798 йилда тўзилган ушбу банк аниқ пайтда нафақат Буюк Британиядаги, балки жаҳондаги етакчи банклардан бири саналади. У жаҳон қимматбаҳо металллар бозорида хизматлар кўрсатиш борасида етакчи бўлибгина қолмай, турли мамлакатларга иқтисодий тиқлаш, хусусийлаштиришни амалга оширишда кўмаклашиб келади.

Президент Ислам Каримов Ўзбекистон билан ушбу йирик банк ўртасидаги ҳамкорлик ривожланиб бораётганидан мамнуният изҳор этди.

— Утган қисқа муддат ичида биз «Ротшилд Энд Санс ЛТД» ишончли ҳамкор эканига амин бўлдик, — деди жумладан Ўзбекистон раҳбари.

Сэр Эвелин де Ротшилд самимий қабул ва меҳмондўстлик учун миннатдорлик изҳор этиб, ўзи раҳбарлик қилаётган банк катта иқтисодий имкониятлар ва табиий бойликларга эга Ўзбекистон билан ҳамкорликни кенгайтириш тарафдори эканини таъкидлади.

Сўхбат чоғида шунингдек, узаро манфаатли

## ФАШИЗМ УСТИДАН ҚОЗОНИЛГАН ҒАЛАБАНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҲАМДУСТЛИККА АЪЗО БУЛГАН ДАВЛАТЛАР ХАЛҚЛАРИ ВА ЖАҲОН ЖАМОАТЧИЛИГИГА МУРОЖААТ

Мустақил Давлатлар Ҳамдустлиги давлатлари бошқилари фашизм устидан қозонилган Буюк Ғалабанинг 50 йиллиги муносабати билан ўз мамлакатлари халқлари ва жаҳон жамоатчилигига мурожаат қиладилар.

1945 йилнинг 9 майи инсоният тарихида XX асрнинг энг унутилмас ва энг муҳим санаси сифатида: эзгулик ва озодлик тантанаси қилган кун, халқлар фашизм куллиги ҳавфидан батамом қутилган кун сифатида қолади.

Совет Армиясининг, партизанлар ва яширинча кураш олиб бораётганларнинг қаҳрамонлиги, кишиларнинг фронт ортидаги фидокорона меҳнати, халқларнинг ишсиз мардлиги, матонат ва қардошлиги мана шу Буюк Ғалабага олиб келган муҳим омиллардир.

Фашизм билан курашга иттифоқчиликнинг қушиқлиги, антифашист халқаролик, гитлеризмга қарши иттифоқдаги барча мамлакатлар халқларининг саъй-ҳаракати ҳам муҳим ҳисса қўшди.

Ғалаба коллектив ақл-идрок, озодлик ва инсон қадр-қиммати учун курашган ва уни ҳимоя қилган халқлар ва одамларнинг фидокорлиги ва алоҳида қаҳрамонлиги бутун дунё халқларининг улим ҳавфи олдига бирлаша олиш қобилиятининг эркин намоиши бўлди.

Ғалаба халқроқ хавфсизлигини таъминлаш ва янги жаҳон урушининг олдини олиш ишида жаҳон ҳамжамияти аъзоларининг ҳамкорлик қилиш имконияти борлиги ва шундай қилиш зарурлигини кўрсатди.

Биз тинчлик, озодлик ва демократия



Эски шаҳар ёшаради

Сағбон кўчаси янги таъмирланган кўчалар ичида энг асосий йўл ҳисобланади. Шунинг учун бу ердаги ишлар билан танишиш мақсадида ҳар бир йилнинг кўз қорачиғидек асраб-авайлаш мақсадида кўчада қандайдир йўлларни таъмирлаб келатган йўлсозларнинг ишлари билан танишиб, улар билан сўхбатда бўлдик.

Ғиёс БАҲОБОВ, Сағбон кўчасидаги 241-уйнинг соҳиби:

— Рўза ойининг ўн бешинчи кунини эди. Янги уйга қўйиш ҳақида руҳсатнома қўйимизга берилгандан сўнг, битта уйни бериб қўриб келдик. Генерал Узоқов кўчаси 8-уй, 8,9-хонадонлар. Бири ўч хонали, бири тўрт хонали. Кенг, айвонлари ойнали, газ, электр қуввати уланган, иссиқ-сувуқ сувлар билан таъминланган, 80 ёшли онахонанинг оқ фотиксини олиб, янги уйга кўчдик. Ойламиздаги 9 жон икки уйга бўлиндик. Юртбошимиз

**ЯГОНА ИҚТИСОДИЙ МАКОН МУСТАҲКАМПАНАВЕРСИН**

Қозоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирлари кенгашининг 24 апрель куни Бишкекда бўлиб ўтган мажлисида шу давлатлар ўртасида 2000 йилгача иқтисодий интеграция дастури қўриб чиқилди ва тегишли қарор қабул қилинди. Дастурни ишлаб чиқиш чоғида мажлисда иштирок этган давлатлар халқ ҳужалиги мажмуини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари ҳисобга олинган.

Уч мамлакат ўртасида ягона иқтисодий маконни барпо этиш тўғрисидаги шартномани рўйбга чиқариш масалалари ҳам қўриб чиқилди. Жумладан, фармацевтика саноати ва соғлиқни сақлаш, зилзилаларни тадқиқ этиш ва сейсмик хавфни олдиндан фарз қилиш соҳаларида, бошқа соҳаларда ҳам ҳамкорлик қилишнинг аниқ тadbирлари ва қоидалари ишлаб чиқилди. Қабул қилинган ҳужжатларни Қозоғистон Республикаси Бош вазир А. Казеғелдин, Қирғизистон Республикаси Бош вазир А. Жумагулов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазир А. Муртазов имзолади.

(ЎЗА).

## «ҚАЛҚОН»НИНГ ЮМУШЛАРИ

Давлат ҳиссасдорлик корпорациялари фаолиятини кенгайтириш йўлида тadbиркорлик билан иш юритилмоқда. Бундай корпорациялар ҳуқуқий ҳимоялаш борасида ҳам қатор янгиликлар амалга оширилмоқда.

Бундай ижобий ҳолни «Ўз-донмаҳсулот» Давлат ҳиссасдорлик корпорацияси фаолияти мисолида ҳам қўриш мумкин. Мазкур корпорация ҳуқуқий ҳимоялаш борасида «Қалқон» деб номланган ҳуқуқий фирма иш бошлади. Янги фирма ўз зиммасига кўп масалаларни олиб, ҳуқуқий ҳимоялашга қаратилган режаларни белгилади. Корпорация таркибидagi корпорация ходимларининг иқтисодий билим, савиясини оширишда ҳам фирма фаоллик кўрсатмоқда.

Фирма ҳужалик юртишнинг замонавий усулларини амалиётда тadbик қилиш, турли қонунбузарликларнинг олдини олиш билан ҳам қўриб чиқилмоқда. Бугунги бозор иқтисодиёти шароитида юзга келмаётган қонунларни тарғиб этиб, фуқароларнинг ҳуқуқий билимларини чўқурлаштириш мақсадида фирма қатор маърифий тadbирларни ҳам қўриб чиқди.

Ақбар АЛИЕВ.

## «МЕҲРИБОНЛИК» ЖАМИЯТИНИНГ БУПИНМАСИ

Собир Раҳимов туманида «Меҳрибонлик» узаро иқтисодий ёрдам жамиятининг бўлини ташкил этилди. Меҳнатга лавқали ногиронларни иш билан таъминлаш, уларнинг иқтисодий-маиший муаммоларини ҳал қилишда кўмаклашиш, «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни иқтисодий ҳимоялаш» Қонунига кўра тўтилган имтиёзларни ҳаётга тadbик этиш, ногиронлар учун тулақли турмуш даражасини таъминлашга ёрдам бериш бўлини фаолиятининг асосий вазифаларидан ҳисобланади.

Туман ҳокимлигида бўлиб ўтган таъсис конференциясида республика «Меҳрибонлик» жамияти раисининг ўринбосари Ф. Абдураҳмонов, шаҳар «Меҳрибонлик» жамиятининг раиси Ҳ. Жалилов, туман ҳокими ўринбосари Ш. Пулатов, туман иқтисодий таъминот бўлими мудири Д. Назаровалар ҳозир бўлидилар.

Таъсис конференциясида ногиронларга кўмаклашувчи жамиятнинг йўналиш ва режалари белгиланди. Шундан сўнг конференцияга ташриф буюрган ногиронлар учун дастур қўриб, улар бир пайла қўйга тақдир этилди.

Юлдуз МИРЗАКАРИМОВА.

## ДЕВОРИЙ ГАЗЕТАЛАР ТАНЛОВИ

Шаҳримиздаги ҳар бир туманда табиий муассасалар ўртасида «2000 йилгача дунёда полиомелитни йўқотиш — асосий вазифа» шiori остида деворий газеталар қўриқ-танлови бўлиб ўтган эди. Кўн кеча шаҳар Саломатлик марказида ана шундай беллашувларнинг туман биринчилиги тоғилари пойтахт биринчилиги учун мусобақалашдилар.

Ҳақилар ҳайати беллашувда иштирок этган ўн битта деворий газетани таҳлил этишда унинг мазмуни, ранг-баранглиги, замон талабидagi савияси

## Маданият хабарлари

**ШАРАФЛИ КАСБ ЭГАЛАРИ**

Собир Раҳимов тумани иқтисодий таъминот бўлими бугунги кунда 29 минг 500 дан зиёд пенсионер ва ногиронларга хизмат кўрсатмоқда. Кўн кеча бу ерда «Шарафли касб эгалари» деб номланган қўриқ-танлов бўлиб ўтди. Туман маданият ишлари бўлими билан ҳамкорликда ўтказилган танловда шу соҳа ходимлари узаро қизиқарили топириқлар, зукколик бўйича беллашдилар. Қизларнинг биринчи табиий ёрдам ҳақида бошқа мавзуларда кўрсатган томошалари барчада катта қизиқиш уйғотди. Ҳақилар ҳайати ва томошабинлар меҳрини қозона олган Гавҳар Қосимова биринчи ўринга лойиқ деб топилиди. Иккинчи ўринни Мухайб Зокирова, учинчи ўринни эса Нурой Эргашева ва Нодира Юсуповалар эгаллашди.

**«ЎЗБЕКИСТОН КУЙПАГАЙ»**

Зақий номли маданият уйининг «Феруз» ашула ва рақс ансамбли ижодий жадими янги тайёрланган «Ўзбекистон куйпагай» номли адабий-музикали дастурни шаҳримиздаги таҳрир пиллакашлик фабрикасида намоиш этилди. Фабрика ишчи ва хизматчилари ансамблининг Ўзбекистон, мустақиллик тараннум этилган куй ва қўшиқлари, жозибали рақсларидан иборат томошани қизиқиш билан кутиб олдилар.

Лағофат Пулатхўжаева саҳналаштирган мафтункор рақслар дастурга фойда бағишлади. Ансамбль иштирокчиларидан Нодира Шоназарова, Дилфуза Убайдуллаева, Дилфруз Ҳамидова, Шоҳида Исроилова, Динора Кенжабоевалар ижро этган қўшиқлар маҳорат билан саҳнага олиб чиқилганлиги билан ҳам барчага манзур бўлди.

Салоҳиддин СИРОЖИДДИНОВ.

**ОНА ВАТАН МАДҲИ**

Ҳамза номли санъатшунослик илмий-тадқиқот институтини биносига Ғалабанинг 50 йиллигига бағишланган кўргазма очилди.

28 апрелгача давом этдиган ушбу кўргазмани очибди Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги халқ ижодиёти ва маданият-маърифий марказининг раҳбари Деҳқонбой Ҳусанов, Ўзбекистон халқ раҳсони Руза Чориев, Ўзбекистон Рассомлар уюшмаси раисининг муовини Владимир Бурмакин, санъатшунослик институтининг директори Тўхтасин Гафурбеков ва бошқа жамоатчилик вакиллари иштирок этидилар.

Кўргазмада шахрсабзлик истеъдодли муассавир Анвар Ҳақназаровнинг таъсирли санъат асарлари намоиш этилмоқда. Унда қўйилган асарларда расом асосан она-Ватанимизнинг ғўзал табиат манзараларини, қадимги маҳаббатли тарихий обидаларни, оёсийишта меҳнатдан завқ қўлган юрдушларимизни турфа бўғларда таъсирларини. Айниқса расомнинг «Жаҳонгир мақбараси», «Оқ сарой», «Қўл қўйиш» каби асарлари кўпчиликка манзур бўлмоқда. Назокат УСМОНОВА.

## «ТО» НАФАСИ

**РЕСПУБЛИКАМИЗДА**

□ Кеча Тошкентда «Бозор иқтисодиёти шароитида мулкчилик тўғрисидаги қонунларни такомиллаштириш» мавзусида илмий-амалий конференция иш бошлади. У Адлия вазирлиги, Фанлар академияси фалсафа ва ҳуқуқ, Тошкент Давлат юридик институтлари, техник ҳамкорлик бўйича Германия жамияти ва Европа Иттифоқи комиссияси томонидан ташкил этилди. Конференцияда Олий Мажлис Раиси Эркин Халилов сўзга чиқди.

□ Ташқи ишлар вазирлигининг қабуллар уйида Ўзбекистон Президентининг 1994 йил 2 мартда Россияга давлат ташрифи чоғида имзоланган ҳужжатларни икки мамлакат парламентлари ратификация қилганлиги тўғрисидаги ёрлиқларни алмашиш маросими бўлиб ўтди.

□ Навоийдаги Ўзбекистон ва АҚШ қўша корхонасида 30 турдаги олтин заргарлик буюмлари, шу жумладан никоҳ узуклари ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилди.

□ Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Қувайтнинг таълиқ шoirи Абдал Азиз Саидга Тошкент давлат шарқшунослик институтининг фахрий доктори дипломи топирилди.

□ Кеча валюта биржасида бўлиб ўтган навабдаги савдода 1 АҚШ долларининг сотиб олиш ва сотиш тижорат қиймати 26 сўм 20 тийин қилиб белгиланди.

**ҲАМДУСТЛИККА**

□ Россия Президенти шу йил охирида бўлиб ўтадиган мамлакат парламентига сайловларда иштирок этиш учун Бош вазир Виктор Черномырдин ва Давлат думасининг раиси Иван Рибкинлар бошчилигида иккита сайловолди блоқи ташкил этилганлиги эълон қилди. Борис Ельциннинг фикрича, бу блок вакиллари ҳокимиятга ўта ўнг ва суллар қелишига йўл қўймаслиги керак.

□ Кримнинг Олий Кенгаши 25 июнь куни Украина Олий Кенгашининг Крим Республикаси Конституцияси ва мухториятини бекор қилиш тўғрисидаги қонунларига муносабат тўғрисида бу ерда референдум ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилди.

□ Украина Президенти Леонид Кучма шу йил ёзда Канадада Ғарбнинг тараққиёт этган етти давлати раҳбарлари учрашувида иштирок этишни сураб мурожаат этди. Маълумки, сўнгги йилларда бу учрашувга Россия Президенти ҳам тақдир этилмоқда.

□ Горький автомобиль заводининг конвейеридан ўн миллионинчи «Волга» автомобили тушди.

□ Россия темир йўл вазирлиги шаҳар атрофидаги поездлардан бошқа ҳамма поездларда кира ҳақи ўртача 20 фоизга оширилганлиги эълон қилди.

□ Молдавияда жойлашган Россия 14-армиясининг қўмондони Александр Лебедь мамлакат мудофаса вазирлиги армия бошқаруви қайта ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилганлиги муносабати билан истеъфода чиққанлигини айтди.

□ Қозоғистонда коррупцияга қарши ашаддий кураш бошланди. Матбуот хабарларига қўра сўнгги пайтда Шарқий Қозоғистон вилояти маъмурияти раҳбарининг собиқ ўринбосари М. Татаев, республика Миллий банк бошқарувининг собиқ раиси Г. Бойназаров, милиция, божхонанинг айрим раҳбарлари ҳибсга олинганлар.

□ Россиянинг «Рабочая трибуна» газетаси тахририяти қўғоз тақчиллиги муносабати билан бу нашр вақтинча Марказий Осиё давлатларида чоп этилмаслигини маълум қилди.

**ХОРИЖДА**

□ Туркия 20 март куни қўрд ишчи партияси жангариларига қарши жазо операцияси ўтказиш учун Шимолий Ироққа киритилган қўшинлардан яна 20 минг нафарини олиб чиқиб кетганлиги маълум қилди. Илгари бу ердан 3 минг нафар лашкар олиб чиқиб кетилган эди. Шундай қилиб ҳозир Шимолий Ироқда 12 минг аскар қолган. Уларни ҳам май ойининг ўрталарида бу ердан олиб чиқиб кетиш мўлжалланмоқда.

□ 7 май куни Франция Президенти сайловларининг иккинчи босқичида биринчи босқичда нисбатан кўпчилик овозин олган социалист Лионель Жоспен ва Париж мэри Жак Ширак курашадиган бўлидилар.

□ Вашингтонда Халқроқ валюта банки ва Жаҳон банкининг аъзаъи йиллик мажлиси иш бошлади. Унда ушбу халқроқ молия ташкилотларига аъзо бўлган 179 давлат вакиллари иштирок этмоқдалар.

□ Қўҳрада Фаластин—Исроил музокараларининг навабдаги 15-босқичи бошланди. Унда чекланган мухторият берилган Фаластин ҳудудида араб аҳолиси ўртасида сайлов ўтказиш масаласи муҳокама этиляпти.

□ Хитойнинг Шанхай шаҳрида метронинг биринчи йўналиши ишга тушди. Унинг қурилишига 680 миллион доллар сарфланди. Мамолатда энг йириклардан ҳисобланадиган бу шаҳарда 2020 йилга қадар ер остида беш йўналиш бўйича метро қатновини йўлга қўйиш кўзда тутилган.

□ Италияда маҳаллий ҳокимият идораларига ўтказилган сайловларда сул партиялар вакиллари ғалаба қозондилар.

## «ШЕРИНГ» БОШ ҚЎШМОҚДА

«Соғлом авлод учун» мажмуавий дастурини амалга оширишда хоржлик фирмалар ҳам ўз ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар. Республикаимизни зарур дори-дармонлар ва табиий қўрилмалар билан таъминлашда «Шеринг» немис фирмаси фаоллик кўрсатмоқда.

Шуни мамнуният билан айтиш керакки, республикаимизда уюштирилган халқроқ табиий анжуманларини ташкил этишга ҳам бу фирма яқиндан бош қўшмоқда. Кейинги йилларда Тошкентда ўтказилган бундай йиғилишларнинг бир нечасига фирма ҳомийлик қилди.

Фирма шаҳримиздаги шифокорлар билан яқин ҳамкорлик алоқасини ҳам йўлга қўйди. Бу алоқалар Тошкентда доимий илмий-амалий семинарлар ўтказиш учун ҳам мустаҳкам негиз яратди. Эндиликда шифокорлар учун махсус ташкил этилаётган бундай йиғинлар тез-тез ўтказиладиган бўлди.

Табиийиёт акушерлик ва гинекология соҳаси бўйича орттирилган иш тажрибалари ҳам шу семинар машғулотлари орқали оммалаштирилади.

Бу йил доимий семинар машғулотларига 150 дан ортиқ акушер ва гинеколог жалб этилади. Бу каби таълиий тadbирларни амалга оширишда қўра қўринган шифокорлар, олимлар фаоллик кўрсатадилар.

Аббос ОЛИМОВ.

## САҒБОНЛИКЛАР МИННАТДОР

нинг бундан ортиқ қамқўрлиги бўлмаса керак. Эски уйимизнинг битта гиштии ярим метр тахтасини ҳам олиб кетаямиз. Қўчиб олишимиз учун ёрдамчи куч, транспорт, нима сўрасак «Йўқ» дейишмасдан муҳайб этишмоқда. Бунинг учун йўлсозларга ҳам раҳмат, уйлардаги нарсалар тўла-тўғис қўчириб олиб кетилмагунча ҳеч нарсасга тегишмасанми йўқ. Мен ҳар кўни эрта

лаб шу ерга келиб, қўшинларимга кўмаклашиб, сўнг ўз юмушимга кетаман.

Тўғрисики айтадиган бўлсак, Сағбон кўчаси қайта таъмирланиб, катта савоё иш қилинмоқда. Нега десангиз йўлнинг торлиги босилдан кўп ноқулайликлар мавжуд эди. Энди бунга барҳам бериладиган бўлди.

**Қўнқор ЗОКИРОВ, «Газ-мол» акционерлик жамияти ишчиси, Сағбон кўчаси 243-уйнинг соҳиби:**

— Бу кўчада истикомат қилаётганларнинг 80 фоиздан ортиги бир қарич ерга зор эди. Шулар орасида биз ҳам. Отамонан, ўч ақ-ука фарзандларимиз билан 11 жон ишадик. Аёгон уруши иштирокчиси бўлганим учун шу йил бошқа ўй олиб чиқиб кетишим керак эди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Тошкент шаҳрининг Эски шаҳар қиомили қайта қўриш ва обод қилиш тўғрисидаги қарори чиққандан сўнг қувонганимизни асоти кўверинг. Келажатимизни уйлаб, биринчи қатни бизлар ҳам қўнчишга олдандик. Ҳозир генерал Узоқов даҳасидagi 6-уйнинг 7, 8-хоналарида яшаймиз. Собир Раҳимов ту

мани Тансиқбоев даҳасидан 6 сотих ер ҳам беришди. Эски уйимиздаги қўрилиш материаллари — гишт, ёғоч, тахталарни йиғиштириб кичик укамизга ўз кўчимиз билан ховли қўришга ҳам киришдик. Керакли анжуманларимизнинг барчасини қайси томонга-олиб бормоқчи бўлсак транспорт ва ёрдамчи куч билан туман ҳокимлиги, «Тошкент ободончилиги» махсус йўл қўрилиш ишлаб чиқариш бирламаси мутасаддилари яқиндан ёрдам бериб туришибди. Уларга, барча шу ишни бошқараётган мутасаддиларга қўндан-қўн раҳмат...

Сўхбатимизни «Тошкент ободончилиги» махсус йўл қўрилиш ишлаб чиқариш бирламаси мутасаддилари билан давом эттирдик.

— Март ойининг бошларидаги аҳолига нисбатан ишчимизда бирмунча силжиш бор. — дейди бирламша директори ўринбосари Руслан Муксимов. — Сағбон кўчасини таъмирлаш ва қайта қўриш ишини «Субҳиди» йўл қўрилиш бошқармаси отайлика олган. Жами ҳозирги кунда 220 нафар ишчи, йўлсозлик иши билан шугулланадиган яна қўшмича тўртта бошқарма ва битта транспорт, бошқармаимиздаги асосий қўчалар шу ерда меҳнат қилишмоқда. Сағбон кўчасининг 300 метри тулқ бузилиб, асфальт ва бетон арқалар етқиқизга тахт қилиб қўйилди. Яна 300 метри апрель ойи охиригача тайёр бўлади. Бундан ташқари Қайқовус каналига устига қўриқ қўриш ишларини ҳам олиб бораёямиз. Умуман олганда 25 тур бўйича ишлар амалга оширилмоқда. Иш жараёнида бизларни кўпроқ аавалда ўтказилган юқори қувватли электр симлари, ер ости коммунал-цияларининг юзига қўмилганлиги, аниқроғи жойлаштирилганлиги қийнамоқда. Уларнинг мустаҳкам бўлиши учун юқори қувватли электр ва телефон симларини махсус қувурлар ичига киргизиб, сўнг 70 сантиметрли қўқуриқча туширяймиз. Мана шундай қилсак унинг хавфсизлигига ишонч ҳосил қила оламиз. Мақсадимиз Сағбон шох қўчасини тазорқ қайта қўриб, фойдаланишга топиришидан ибобатдир.

Сўхбатдош Гулзода МАМБЕТОВА.

**СУРАТЛАРДА:** қайта қўрилиш иш таъмирланган Сағбон ва 2-Ғиёс кўчаларидаги лашкар. Виктор Бағов олган сўратлар.







Бир баҳонаи сабаб буюк бобокалонларимиздан бири билан гойибона баҳс-мулоқот курдим. Воқеа бундай бўлган эди... Миллий уйғониш, кўтарилмиш ҳаракатларидан бири — жаҳидчилик ҳаракатига бағишланган талабалар ўртасидаги ўтказилган суҳбатда ана шу тарихимиз, миллатимиз учун бағоят ибратли интилишнинг тамал тошини кўйганлар кимлар борасида тортишув бошланиб кетди. Биров кўркак-паса фалончи, деди шивирлаган оҳангда, бошқаси сукут сақлаган маъкул деб оғзига талқон солиб ўтирди. Даврининг ўзи шунақа эди-да! Талабалардан бири: «Наҳотки, ўзлигини таниш, миллий уйғониш, миллий гурур учун кураш бошлаганларни танимасдан, тан олмасдан ўтиб кетсак?» деган гапни қилди...

Шу-шу бўлди-ю зулмат ичидан балқиб чиққан жаҳидлар, улларнинг асосчилари, раҳнамолари ҳақидаги маълумотларни ўргана бошладим... Ҳозирги кунга келиб, жаҳидчилик ҳаракати, жаҳидлар ҳақида озми-кўпми маълумотларга эгамиз. Аммо бу ҳали денгиздан қатрлар, холос. Шу жиҳатдан олганда Ўзбекистон Республикаси Вазиirlар Маҳкамасининг Марказий Осиё халқларининг маънавий тараққиётига улкан ҳисса қўшган маърифатпарвар адиб ва жамоат арбоби Маҳмудхўжа Бехбудий (1874 — 1918 йиллар) таваллудининг 120 йиллигини ўтказиш ҳақидаги фармоиш истиклол мафкурасини янги-часига яратиш, ҳаётга тадбиқ этиш ва камол топтиришда узқони кўзлаб ана бир ташланган қадам бўлди. Шундай қилиб, азиз газетхон, суҳбатимиз миллий уйғониш, ўзлигини таниш, ўзбекон-на гурур учун курашган бобокалонимиз билан гойибона-увайсийнамо мулоқот-тимизни тингласангиз.

— Бобожон, Сиз ўзи кимсиз?! Миллий уйғониш даврининг арбобими? Ёхуд, миллий озоодлик ва ҳуриятнинг жарчисими?

— Эҳ-ҳе, мен ҳақимда кимлар нималар дейишмади?! Баъзан номини улуғлаб, кўларга олиб чиқсалар, баъзан эса ерга қоридилар. Гоҳ Ватан фидойиси, элу элатлар гамхўри деб аташса, бошқа пайт миллатчи, сотқин, халқ, Ватан душмани деб эълон қилдилар. Хатто, номини тилга олганларни ҳам авахта қилдилар, юмишгача олиб бординлар. Мен ва менга ўхшаб минглаб халқимиз хурлиги, Ватанимиз озоодлиги учун ҳаётини тиккан фидойи юртдошларимнинг оху зори яратганга етиб борди, раҳм-шафқатини дариг тутмади: озоодлик, хурлик, мустақиллик, истиқлолни ато этди. Асрий орзу-умидларимиз рувбга чиқди, дардларимиз дармон топди... Мен шу элнинг оддий бир ўғлиман, холос.

— Бобожон, аввал таржимаи ҳолининг ҳақида икки оғиз тўхталсангиз. Зеро, таржимаи ҳол у ёки бу кишининг ҳаёти ойнаси, тағ-зоти, шажараси, қисқиси, ким эди-ю ким бўлганлиги ҳақидаги бамисоли тарих. Тарих эса маърифий, маънавий, ахлоқий-руҳий дарсдир.

— Камина 1875 йилда дунё шох шаҳарларидан бўлиш Самарқандда ўз даврининг уқимишли, зукко билимдон муфтий оиласида таваллуд топдим. Оилавий муҳит, кўни-қўшни, маҳалла-қўй, қолаверса, Самарқанддаги илм-фан, маданият, маърифат ва маънавият ўчоғи бўлган шаҳар каминанинг ёшлигиданок адабиёт, маданият ва маорифга, маърифат, сиёсат, маънавият ва халқ ижодиётига қизиқшини шакллантирди. Падали бузрукворим илм-фаннинг турли соҳаларидан яхшигина хабардор бўлганлар.

Яна шуни таъкидлашни истар эдимки, падали бузрукворимизнинг узларига ўхшаш уқимишли, зукко, билимдон дўст-биродарлари, тенгдошлари, қадрдонлари ҳам бизнинг камол топишимизда қўмакча келдилар. Биринчи алиф-бомиз «Қуръони Карим» билан «Ҳадиси Шариф» бўлган эди. Нафис санъатлар — адабиёт,

санъат, шунингдек, тарих каби фанлар қаторида давр тақозоси билан сиёсатшунослик, маърифат ҳамда маънавият, панднома, ислом тарихи тариқати каби соҳалар билан ҳам жиддий шуғулланишга тўғри келди.

— Бобожон, Сиз ҳақингиздаги ўша давр солномалари, вақтли матбуот хабарларидан маълумки, жаҳон илм аҳли билан танишиш мақсадида хорижий мамлакатларда бўлиш истаги Сизда жуда кучли бўлган экан.

— Тўғри, ўша пайтларда нашр этиладиган рўнома ва ойнномалардан дунёдаги ижтимоий-сиё-

## Маҳмудхўжа Бехбудий таваллудининг 120 йиллигига

## ЗУЛМАТ ИЧРА БАЛҚҚАН НУР



• Бехбудийнинг хизмати французларнинг Жан Жак Руссолари, русларнинг Ломоносов, Чернишевский ва Добролюбовлари, қўқоз туркларининг Фатҳали Охундов ва Наҳаббек Везировлари, татарларнинг Ш. Маржоний ва Қ. Носирийси ила бирдир. Ўзбек миллий адабиёти ҳам Бехбудий ила бошланиб, янги бир йўлга кира бошлади. Бехбудий, энг аввал, Туркистонни чор ҳукумати қўлидан қутқазиб, го-сини элга талқин қилувчилардан, аҳолининг эзилганлигини биринчи сезганлардан ва бу ҳақда турли уста йўллар ила халқни истиқбол курашига чақирганлардандир. Туркистоннинг уйғониш даврини уч қисмга — маориф, матбуот ва жамиятга бўлиб, шу давр раҳбарларини текшира бошласак, бу ҳаракатларнинг бошида Бехбудий турганлигини кўраимиз.

(1926 йили Бехбудийнинг фожияли вафотида етти йил тўлиши муносабати билан эълон қилинган мақоладан)

• Жафокаш шоир Бехбудийнинг номини муулмон Шарқи ҳурмат билан тилга олади. Чунки у 20 йил мобайнида ўзининг онги ва инсоний қадру қимматини билган барча мавжудотини эркин ҳаёт, нур ва маърифат учун курашга чорлаб келди.

Садриддин АЙНИЙ.

сий воқеалардан хабардор бўлиб турдим. Вақтисоати келгач, Маккаи Мукаррамага бордим ва у ердан Ҳожа ва Муфтий унвонларига сазовор бўлдим. Туркий тилларнинг деярли барчасини, шунингдек, араб, урус, форс-тожик тилларини жуда яхши билишим кўл келди. Қозон, Уфа, Москва ва бошқа шаҳарларга сафарларим менга кўп нарс берди. Оврупа адабиёти, санъати, маданияти, маърифати янгиликлари билан яқиндан танишдим.

— Бехбудийга хизматларингиз, ўз эътиқодингиз, саъй-ҳаракатларингизни тўлиқроқ билишни истар эдик...

— Уша пайтларда, янги асримизнинг унинг йилларида Турон улқасида ҳам «Шўрои Исломия», «Уламо», «Адолат», «Ёш бухороликлар» каби фирқалар пайдо бўла бошлади. Бу партияларнинг Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий ҳа-

тида тутган ўрни аён. Айниқса, шу йилларда Бухоро, Самарқанд ва Тошкент шаҳарларида чоп этила бошлаган «Самарқанд», «Бухорои шариф», «Турон», «Ойна» каби ўзбек ва тожик тилларида чиқа бошлаган рўнома ва ойнномалар халқни маърифат ва маънавият бодига тутган ўрни бекиб бўлди.

— Бобожон, ҳаётингиз ва маърифат бодига саъй-ҳаракатларингиз билан озми-кўпми хабардор бўлдик. Ваҳоланки, Сизни буюк адиб деб ҳам биламиз.

— Азиз фарзандларим, зурриёларим, адабий-бадий, илмий-ижодий фаолиятимга назар ташлайдиган бўлсанглар, ушбуларни алоҳида таъкидлаб ўтишни истар эдим. Ўзбек адабиёти дейилмиш муқаддас даргоҳда илк бор саҳна асари — «Падарқуш»ни ёздим. Ўз вақтида оғизга тушди, овоза тарқатди...

Мазкур асар ўз даврида Абдулла Қодирийнинг «Бахтсиз кўёв», Мирмуҳсин Фикрийнинг «Бефарзанд Очилдибой», Ҳамза Ҳакимзодиннинг «Янги соадат» каби асарларининг яратилишига ҳам, шунингдек, Ҳожи Муин, Бадрий, Фитратнинг саҳна асарлари яратилишига ҳам таъсир қурсатган. Ўзбек ва форс тилларида илмий, оммавий мақолалар яратдим. Уларда ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг у ёки бу масалалари, адабиёти, санъат, маданият, маърифат, маънавият, ахлоқ-оодоб, мустақиллик, хурлик, миллий гурур каби ранг-баранг мавзулар тилга олинди. Улар 1901 йилдан бошланиб, 1918 йили қатл қилинишигача ёзилган. Умуман ижодим йигирма йил давом этди, холос. Айтмоқчи бўлган минг-минглаб сузларим бугунда қолди, даста-даста китоблар ёзиш учун кўлларим бевақт қўқсимда қолди...

— Бу нафақат Сизнинг кулфатингиз, фожиянғиз, бевақт хазон бўлганнингиздир. Балки, Сиз суйган, уни деб яшаганингиз — бутун халқнинг фожияси эди...

Маҳмудхўжа Бехбудий «Мунтахаби жуғрофияи умумий» (1903 йил), «Қисқача умумий география», «Китоб-ул ат-фол» (1904 йил), «Болалар учун китоб» «Мухтасари тарихи ислом» (1904 йил), «Исломининг қисқача тарихи», «Амалиёт-и ислом» (1905 йил), «Русиянинг қисқача географияси» (1908 йил) каби оригинал дарсликларнинг ҳам муаллифидир-ки, ўз давридаги мактабларда асосий дарслик бўлди, улар бизнинг кунларимизда ҳам аҳамиятини йўқотмай келади. Бехбудий педагог-мураббий, ташкилотчи-раҳбар бўлиш билан бирга журналист, моҳир газетачи-ношир ҳам эди. Бунинг учун 1901 йиллардан бошланган журналистлик фаолиятларига бир назар ташлаш қийфоя. «Туркистон вилоятининг газетаси», «Улуғ Туркистон», «Наҳот», «Меҳнат-кашлар товуши», «Тирик сўз», «Таржимон», «Шўро», «Вақт», «Тоза ҳаёт», «Самарқанд», «Ойна» каби рўнома ва ойнномалар шулар жумласидандир.

— Санаб ўтилган китобларни ёзишга улгурдим. Аммо ҳали айтимлаган, аммо айтилиши зарур бўлган ўнлаб, хатто юзлаб китоблар, рисоалар, ўқув қуроллари, дастурлар, қолаверса, адабий-бадий, публицистик асарлар ўзим билан бирга кетди.

— Шукрлар бўлсинки, халқингизга, она Ватанингизга қайтиб келдингиз. Мустақиллик, истиқлол шарофати тўғайли аслида оқ эдингиз, яна оқландингиз. Шу кунларда Сиз қолдирган ранг-баранг адабий-маданий меросингиз ўз ўрнини топпоқдир...

Ўзбекистон Республикаси Вазиirlар Маҳкамасининг фармоишига кўра Маҳмудхўжа Бехбудийнинг бир жилдлик, 1996 — 1998 йилларда эса уч жилдлик тўла асарлар тўплами чоп этилади. Ҳа, жондай азиз она дийримиз мустақиллиги, жафокаш халқимиз озоодлиги йўлида мардона курашга жонини фидо этган улуғ бобомизнинг руҳи поки шод бўлсин!

Малик МУРОДОВ,

филология фанлари доктори, профессор.



Санъат шундай севрли кучки, каттани ҳам, кичикни ҳам бирдай ўзига мафтун этади. Сиз суратда кўриб турган эш дуторчи ва доирачилар ана шу севрли мавзого ўз умрларини бахшида этиб, халқимизнинг забардаст санъаткорларига айланган ажабмас.

Рустам Шарипов олган сурат-лавҳа.

Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясида сузлаган маърузасида: «Фарзандларимиз фақат Уолт Дисней қаҳрамонларининггина билиб-таниб қолмасдан ўзбек халқ эртакларини, миллий қаҳрамонларимизни ҳам танисин-билсин, улар билан ифтихор қилишга одатлансин», дея таълим- тарбия соҳасидаги гоят муҳим йўналишлардан бирини таъкидлаб ўтдилар.

Яқинда бўлиб ўтган «Илҳом чашмалари-95» шаҳар курик-танловида Миро-

## «ИЛҲОМ ЧАШМАЛАРИ» КЎЗ ОЧАВЕРСИН!

бод туманининг умумий-таълим мактаблари ва мактабгача тарбия муассасаларининг тарбияланувчилари узларининг турли соҳалардаги ёрқин иқтидорларини намойиш этдилар. Уша кунми Алишер Навоий номли Давлат академик Катта театрининг мухташам биноси мактаб ўқувчилари ва боғча кичикитойларининг ихтиёрига берилди.

Театрнинг фойе ва заллари бўйлаб ёйилган бадийи асарлар курғазмаси айниқса гавжум бўлди. Бунда, эҳ-ҳе, нималар йўқ дейсиз! Ранг-баранг нақшлар, турфа матолар, ипак, атласдан тикилган, тўқилган буюмлар, уйинчоқлар, дўппилар, гузал кашталар... Бу ерга ташриф буюрганлар юртимизнинг бетакор чиройини анвойи ранглар ва нақшлар кўринишида яна бир бор ҳис этдилар. Туманда курғазма ва бошқа тадбирлар доимо давлат тилида олиб борилаётганлиги, мактабларда ҳам бу борада катта саъй-ҳаракатлар қўйишга тўғайли қўворили ҳолдир. Курғазмани айланар экансиз, ҳар бир мактаб амалий санъат йўналишининг ўзига хослиги намён бўлади. Масалан: 68, 60, 96-мактабларда рангтаъсир асарлари курғазманинг асосини ташкил этса, 214-мактабда дурадгорлик ва миллий ёғоч уймақорлиги буюмлари (тўғарак раҳбари С. Маҳмудов), 213-мактабда миллий кашта, нақошлик, бадийи тўқима безаклар (меҳнат ўқитувчиси У. Жалилова) асосий уринини эгаллайди. Энг асосийси — барча санъат асарларининг миллий мавзу, руҳ билан яратилганлиги кишини қувон-

тиради. Айниқса, «Чорпо», «Масжид», «Тандир» (213-мактаб), «Қўқон ароба» (214-мактаб) макетлари алоҳида диққатга лойиқ. 68-мактаб ўқувчиси Е. Соколова (11 ёш) ва 60-мактаб ўқувчиси Е. Фазлеев (15 ёш)лар келажакда катта рассомлар бўлиб етишсалар ажаб эмас. Улар чизган «Наврўз», «Эрта», «Тулпор», «Коинот» суратлари барчанинг таҳсинига сазовор бўлди.

Зал одамлар билан тобора гавжумлашмоқда. Ичкарида, саҳнада эса туман боғча ва мактабларининг ёш иштирокчилари иштирокидаги катта концертта қизгин хозирлик қўрилмоқда. Буларни кўриб, ҳайлдан ушбу фикр ўтади: хозирги ўтиш даврида республикамиз маорифи ҳам муваққат қийинчиликларни бошдан кечираётганлиги ҳеч кимга сир эмас. Шундай экан мана бундай кенг куламли тадбирни уюштириш, албатта осон бўлмагандир? Биз ушбу савол билан Миробод тумани халқ таълими бўлимининг мудираси Баҳринисо Жаурақуловага мурожаат этдик.

— Халқимизда «Ишбилармон одам баҳона кидирмайди», «Интиланг имкон толар» деган пурмаъно ҳикматлар бор. Юртимизнинг эртанги порлоқ келажакга мана шу кичикитойларимизнинг бугун қандай сабоқ олишларига боғлиқ. Уларни ҳар томонлама етук инсонлар этиб тарбиялаш бизнинг қўлимизда экан, ҳар биримиз бундай улкан масъулиятни чўқур ҳис этмоғимиз даркор. Тўғри, қийинчилик ва муаммолар ҳам бор, лекин барча имкониятларни ишга солиб, ҳомийларни жалб этиш — бизнинг вазифамиз. Мана шу уринда ушбу тадбирни уюштиришимизда яқиндан ёрдам берган Ўзбекистон театр арбоблари уюшмаси ва Алишер Навоий номли Давлат академик Катта театрининг директори Бернора опа Қориевага миннатдорчилигимни изҳор этмоқчиман.

Ўқувчилар ва боғча тарбияланувчиларининг концерт дастури ҳам қизиқарли бўлди. Турли жанрлардаги қуй ва қўшиқлар, ҳатто ёш цирк усталарининг чиқишлари ҳам мактаб ўқувчилари томонидан маҳорат билан намойиш этилди. Айниқса, концерт аввалида Миробод тумани бирлашган жузовозлари томонидан Ўзбекистон Республикаси давлат мадҳиясининг ижро этилиши, уларга залдаги барча томошабинларнинг ҳур бўлганлиги қалбларга ўзгача гурур солди. Ёш ижодкорлар куригидея шаҳар ва туман ҳокимликлари, Украина, Корея элчихоналари ҳамда халқаро ЮНЕСКО ташкилотидан ҳам вакиллар ҳозир бўлдилар.

Илҳом чашмалари кўз очаверсин!

Бобур ЭГАМОВ.

## АУРОВИЛ — ОРЗУЛАР ШАҲРИ

Инсоният яралиб, ўз-ўзини идрок қила бошлаганидан бери доимо қўччилик бўлиб, бирлашиб яшайди. Ушандан бери ер юзюда эҳ-ҳе, қанчадан-қанча давлатлар, турфа хил бошқарув шакллари тўзилмади, дейсиз! Инсон ҳалифа этиб тайинланган кенг ва ер ер юзюда ўзи истаганича, идрокига сиққунча турли-туман тўзуллар, давлатлар, шаҳарлар, қонулар, урф-одатларни ижод қилди. Аммо яратилганидан бери инсон ўзини тулик англаб етгани, ҳар қанча оламшумул бўлмасин, кашф этган қонуларни, турмуш тарзидан қўнгли тулган эмас. Йўқса, башариат ибтидоидан бери тақдорлиниб келаятган бетиним урушлари низоларини қандай тушуноқ қерак? Ер юзюда наҳотки кузари адоватсиз яшаб бўлмаса?! Инсоннинг табияти жуда қизик, Сайерамизда неча миллиард одам бўлса, ана шунча хил феъл-атвор ва дунёқараш борлигини тасаввур этсанг, Яратганнинг қудратига таҳсин айтмай илоҳнинг йўқ!

Минглаб, балки миллионлаб йиллардан бери одам ҳавмининг энг қомил идрок эгалари, донишманд вақиллари ҳақиқий ИНСОН деган номга мос, уни ҳар томонлама қаноатлантирарлик, ҳаёт тарзини яратиш ҳақида мудом орзу қилиб келдилар. Бу орзуларини буюк бобокалонимиз Абу Наср Форобий «Фозил инсонлар шари» сифатига тасаввур этган бўлса, фаранг ва инглиз ҳаёларасталари — Томас Мор, Шарль Фурье, Роберт Оуэнлар эса арфсонавий «Утопия» оропи тарзида тасавирланган. Бундай ҳаётга эришиш йўллари ҳам ҳар ким томонидан турлича қўрсатилган. Шу каби ҳам ҳаёлардан бири бўлиш, «коммунизм» деб аталувчи «жаннат»га олиб борадиган «йўл»ни бир пайтлар қандай қўлга киритганимиз ва унинг оқибатлари ҳақида сузлаб ўтириш ортинча бўлса керак. Хуллас, тарихнинг залворли тилдирағи олдинга ҳаракатланиб, ер кў-

расининг ҳар бир нуқтасида ўзига хос ҳаёт қайнамоқда. Аммо дунёда ана шундай бир шаҳар борки, унда бошқа ҳеч қерда учрамайдиган, ўзига хос ҳаёт тарзи ҳужумон. «Орзулар шари» деб аталадиган ушбу масканнинг номи — Ауравил.

1968 йилнинг февраль ойида, Ҳиндистоннинг жанубидаги узоқ ва овлоқ яссиотлиқда дунёнинг турли мамлакатларидан келган беш мингга яқин киши Ауравил шаҳрининг тантанали очилиш маросимига тўпландилар. Ҳар бир делегациянинг вақиллари ҳамжи-

ҳатлик ва биродарлик белгиси сифатида янги шаҳарнинг қонуи қондилар китоби қўйилган рамзий консулмон идишга ўз юрларидан келтирилган бир сиқим тўппроқни ташладилар. Ауравилнинг номи ҳинд файласуфи Шри Ауравиндо (1872-1950)нинг шарафига қўйилган бўлиб, ушбу шаҳар файласуф меҳнатлари ва гоёларининг амалга ошган қўринишидир. Аслида шаҳарнинг тарихи анча йиллар илгари бошланган. Биринчи жаҳон уруши тугагач, Шри Ауравиндо фаранг расоми ва башоратчиси Мира Альфасса билан учрашади. Шундан сўнг улар биргаликда «намунали шаҳардан» — мукамал ҳаётга ўтишнинг янги моделини яратиш устида иш бошлайдилар. 1950 йилда файласуф вафот этган, бу пайтга келиб Она деб ном олган Мира Альфасса Шри Ауравиндо билан биргаликда ўйланган орзуларини амалга оширишга қатъий киришди.

«Ер юзюда ҳеч қайси миллатга тегишли бўлмаган шундай бир шаҳар бўлиши керакки, бундаги олийжаноб ва яхши ниятли инсонлар эмин-эркин, тинч-осмон остида, фақатгина олий ҳақиқатнинг ҳукмига бўйсуниб яшасин; шундай шаҳарки, бунда фақат оқсоишталлик, ҳамжиҳатлик ва бирдамлик ҳукми суриб, инсонлар қалби-

даги гайрат ва шиҳоат фақатгина ўзларидеги жоҳиллик, оқилликни енгишга, бир-бирларига яхшилик қилишга сарфланса; одамлар дил афари билан порлоқ келажак яратиш йўлидаги ҳаракатларини доимо ўз шахсий манфаатлари ҳамда турфа-истакларидан юқори қўйишса...

Бундай шаҳарнинг фарзандлари ҳар томонлама баркамол, маърифатли бўлиб воёга етдилар. Илм олишдан мақсад — имтиҳонлардан ўтиш, диллом ва мансаб эгаллаш эмас, балки мавжуд қобилиятларини янада ўстириш, янги ҳунар урганиш истаги тўғайли қарата: «Ауравил — миллати, дини, ирқидан қатъи назар, бутун дунёдан келган одамлар яшовчи озоод шаҳар бўлади. Ауравил тўқсонлида биз инсониятнинг бирлашув ҳақидаги орзуларини рувбга чиқарамиз», — дея эълон қилди.

Ауравил шаҳрини қуриш учун Пондшеро шаҳридан ун чакиримча шимоли-шарқ томонидида 20 квадрат километрлик тап-тақир, яйдоқ дашт танланган эди. Шаҳарнинг энг биринчи фуқароларидан бири Алан Литман шундай хотирлайди: «Кўш ёрни шундай аввсиз қиздирадими, кўмга тухум қўйиб қўйсангиз, кўп ўт-

қарата: «Ауравил — миллати, дини, ирқидан қатъи назар, бутун дунёдан келган одамлар яшовчи озоод шаҳар бўлади. Ауравил тўқсонлида биз инсониятнинг бирлашув ҳақидаги орзуларини рувбга чиқарамиз», — дея эълон қилди.

Ауравил шаҳрини қуриш учун Пондшеро шаҳридан ун чакиримча шимоли-шарқ томонидида 20 квадрат километрлик тап-тақир, яйдоқ дашт танланган эди. Шаҳарнинг энг биринчи фуқароларидан бири Алан Литман шундай хотирлайди: «Кўш ёрни шундай аввсиз қиздирадими, кўмга тухум қўйиб қўйсангиз, кўп ўт-

май пишиб қолиши ҳеч гап эмасди. Атрофда қимирлаган жон асари кўринмади. Мени бу ерга бошлаб келган дўстим билан чўқур ва охири кўринмайдиган жарлик лабига келиб тўхтадик. У қўли билан узоқдаги бир неча пальма дарахти ўсган жойни қўрсатиб, «Бу Ауравил», — деди. Ҳайрон бўлдим. Бу бийонда жон сақлаб булармикан?»

Ҳозир шаҳарда 25 давлатдан келган 700 нафар турли миллат вақиллари яшайптилар. Уларнинг кўп йиллик машаққатли меҳнатлари эвазига бу ерлар таниб бўлмас даражада узгарди. Лекин Ауравил «муъжизаси» кимнингдир алоҳида хизматлари тўғайли эмас, балки умумий шиҳоат тўғайли юз берди. Саведсиз деҳқон билан университет профессори, олими ва ишчининг, хуллас кимки бу ишга бел боғлан бўлса, барчалари бирдек төр тўқсинлар.

«МУНТАЗАМ ИЛМ ОЛИШ» ГОЯСИ

Файласуф Шри Ауравиндонинг орзулари шаҳарда рувбга чиқмоқда. «Мунтазам илм олиш» гоиси — шулардан биридир. 1969 йилда Ҳиндистон бош вазирини Индира Ганди Ауравил шаҳри қурилишини қизгин қўллаб-қувватлаган эди. 1970 йилнинг октябрь-ноябрь ойларида ўтказилган, ЮНЕСКОнинг бош конференциясида: «Ауравил —

мунтазам равишда асримизнинг энг юксак талабларига жавоб берадиган, маърифати гуллаб-яшнаган ҳамда Ғарб ва Шарқ ўртасидаги янги муносабатларга ўтиш йўлидаги боғловчи бўлиб қолади», — дея таъкидланди. 1973 йилда Она вафот этган, шаҳар фуқаролари учун қийин кунларни бошдан кечиршига тўғри келди. Инсониятнинг ушбу «янги ҳаёт тажрибахонаси»да яшовчилар Ауравилни сақлаб қолиш учун анчагина машаққатлар тортидилар. 1980 йилда Ҳиндистон Олий судининг қарорига кўра, шаҳар аҳолиси узларининг орзу-истакларини ҳеч қандай тулиқсиз амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлдилар. 80-йилларда ташкил этилган маориф ва илмий-тадиқот муаммолари бўйича институтлар томонидан улкан яратувчанлик ишларига лойиҳалар тайёрланиб, ҳаётга изчил тадбиқ этилмоқда.

90-йилларнинг бошларига келиб, шаҳар аҳолисининг йигирма йиллик меҳнат самаралари буй қурсата бошлади. Кўндан-кўп тармоқлар ва жамоат муассасаларининг эшиклари ҳамма учун очил, шаҳар аҳолининг турмуш шароити анча юксалган. Шаҳарнинг қўқ марказида улкан иншоот — «илоҳий муҳаббат маскани» бунёд этилмоқда. Шарсимон шакли бу бинонинг диаметри 36 метр бўлиб, иккита айланма зина унинг ичкаридаги марказий залга олиб боради. Бу ерда чиндан ҳам гаройиб манзараларни қуриш мумкин. Иншоотни қуришдан ҳам мақсад шунки, бу жойга ташриф буюрганлар руҳан мувозанага эришсинлар, қалблар эзулиқ ва олижаноблик ҳисларига тулсин...

— Бу нима — янги динми? — деган савол туғилади. Она бунга қатъиян инкор этиб, шундай деганди: «Бу масканда инсон ўз қалбига қўлоқ тутиши, бутун диққат эътиборини илоҳий онгига айтишга қаратмоғи лозим».

Афсонавий шаҳар — Ауравилдан ташқарида эса дунёнинг турфа ташвиш, изтиробларига ғарқ бўлган ҳаёт давом этади...

Бехзод ҲУСАНОВ тайёрлади.



Собир Раҳимов туманидаги Шарқ тиллари лицейида ўқув-тарбия ишлари давр талаблари даражасида олиб борилмоқда. Таълим жараёнида замонавий ўқув жиҳозларидан фойдаланилаётгани қўзланган мақсадга эришишда ўз самарасини бераётти.

СУРАТЛАРДА: тарих ўқитувчиси Феруза Ҳожишодаева амалий машғулот ўтказмоқда; ҳинд тили хонасида дарс пайти.



«Тошкент оқшоми»нинг 1995 йил 10 март сонида Хужа Нуриддин бобо ҳақидаги мақолани ўқиб, у кишининг шахси ҳақида отамдан эшитган бир ҳикоятни қозғога туширдим. Ҳикоятлардан маълум бўлишча Хужа Нуриддин бобо яшаган даврда бир жойнинг подшоши сафарга кетаётган ўз урғи саарой хизматчиларидан бўлган бир ёш йигитни ўтказиб кетибди. У анча одобли, ориятли ва чиройли йигит экан. Бу нарсаси подшонинг вазирларига алам қилиб, улар подшо сафардан қайтишига йигитга нисбатан иғво, бўхтон тайёрлаб қўйишди. Подшо саройга қайтган вазирлар унга «Сиз сафарда бўлганингизда ўрнингизда қолган йигит хотинингиз билан ўйнашди» дейишди ва бунга олдиндан тайёрланган бир неча кишини гувоҳликка чақиришди. Буни эшитган подшо йигитни ва ўз хотинини дорга осмоқчи бўлибди. Шунда йигит: «Бу гап тўхтат, агар ўрнингизга вазирларингиздан бирини қўйганингизда бундай дейишмасди» дебди. Подшонинг хотини ҳам бу йигитни кўрмаганини, эри сафардалиқ чоғида доимо ичкарида бўлганини айтибди. Лекин иғво-

## Акс садо РОСТГУЙЛИКДАН НАЖОТ ТОПГАН

гарлар ҳам ўз сўзларида қатъий тураверишди.

Кунгли гаш бўлган подшо йигитга: «Агар тез кунларда бир жуфт янги пишган хандалак топиб келсанг сен ва хотинингнинг гуноҳидан утаман, акс ҳолда икковингни ўлдирман»,— деб жуда қисқа муҳлат берибди. Ўша пайтда қаҳратон қиш чилласи экан. Йигит худого нола қилиб азиз авлиёлар қабрига бориб, ёрдам сўрайверибди. Ҳамма унга фақат далда берар, «Сабр қил, подшонинг инсофини тилайвер» дермиш.

Йигит кўп муқаддас жойларни айланиб, охири Хужа Нуриддин бобо ҳузурига келганида у киши йигитнинг сўзларини диққат билан тинглаб, суфига «Белкуракни олиб, мана бу томонга қорни кураб бор, бир жуфт хандалак палаканинг тағида пишиб турган бўлади, узиб олиб болага бер, унинг ҳолати чиқсин» дебдилар. Суфи қорни кураётган: «Шу қаҳратон қишда бу ерда хандалак нима қилин, тақсирим хўп гапларни гапирди-лар-да» деган хавфга борган экан, шу пайт бир кўзи оқиб тушибди. Шу аҳволда яна бироз нарироққа кураб борса, кураги бир нарсасга тегибди, қараса, пишиб турган хандалак эмиш, уни олиб болага берибди. Бола суюнганидан подшо сари югуриб кетибди. Суфи Хужа Нуриддин бобога воқеани айтган, у киши «Ўзингга ўзинг қилибсан, энди бир бошингга бир кўзинг ҳам етар» дебдилар.

Ҳалиги йигит подшога бир жуфт янги узилган хандаклани олиб бурганида шох ажабланиб, бунга қардан олдин деб, сўроққа тутибди. Йигит унга бор гапни рўй-рост айтиб берибди. Шунда подшо иғвогарларнинг жазосини бериб, йигитни катта тўй-томоша билан уйлантирибди. Подшолик пайтида ўзининг кўп гуноҳ қилганлиги, одамларнинг иғволарига ишониб, бу йигитни анча қийнаганлиги учун, ўз урғини йигитга берибди-да, қолган умрини Хужа Нуриддин бобонинг хизматида ўтказишга қарор қилибди, туяларга мол-мулкдан ортиб, авлиё отага совғалар олиб келибди. Хужа Нуриддин бобо бу кишининг арзига қулоқ солиб, унинг ўз гуноҳларига астойдил тавба қилганига ишонгач, ўз ёнидан жой берибди.

Отанининг айтишларича, яқин вақтгача Хужа Нуриддин бобо қабрлари ёнида бир сағана бўлиб, уни Шобахром мазори дейишар, аслида у ўша Шох Баҳром номи билан боғлиқ экан. Кейинги вақтларда бу ердаги мазор топталиб, Шобахромнинг қабри бузилиб кетган эмиш.

Ҳикоятнинг мазмуни жуда теран бўлиб, бировга чоқ қазиганларнинг ўша чоғга ўзлари тушиши, рост гапирган, ўзига тўғри бўлган киши ҳамма жойда қўлаб-қуватланиши, ҳақиқат эгилса ҳам синмаслиги, ўз хатосини тушуниб тавба қилишнинг ижобий фазилати жуда асосли талкин этилган. Хужа Нуриддин бобо ҳақидаги бу ҳикоят у кишининг ростгуйлигини тарғиб қилувчи, одамларни тушунувчи, зўр тарбиячи, маърифатпарвар бўлганидан дараж беради.

Йўлдош МАНСУРОВ,  
Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг аъзоси.

Яхши фазилат жами башарият учун эъзозга лойиқ. Аммо ҳар бир халқ уни ўзича баҳолайди, масалан, хитойликлар учун донолик, фаранглар учун назокат, хиндлар учун тавозе, форслар учун адолат хислатлари азиздир. Лекин ахлоқ қоидалари ўзининг ягона пойдеворига эга. Бу хусусда Тошкент Давлат университети қошидаги Олий педагогика институтининг фалсафа кафедраси мудири, фалсафа фанлари доктори Абдумалик Орипов фикрлари эътиборга лойиқ.

— Домла, аввало ахлоқ тушунчасига бериладиган илмий таъриф хусусида сўзласангиз.

— Инсоннинг ўз масъулиятини сезиши, хатти-ҳаракатларининг оқибати ҳақида ўйлаши, кундалиқ ҳаётда муайян одоб ва ахлоқ қоидаларини қўлашга интилиши унинг ички маънавий дунёсига хос бўлиб, ахлоқ деган тушунчага тааллуқлидир. Бу тушунча ижтимоий онг шакли сифатида кишиларнинг юриш-туришини, уларнинг жамият олдидаги бурчи, масъулияти, ўзаро алоқалари, ижтимоий меҳнатга муносабатлари сингари ҳаракатларини тартибга солувчи қоидалар йиғиндисида ифодаланади. Ахлоқнинг ижтимоий фазолияти ҳаётнинг барча соҳаларида кишиларнинг ўзаро муносабатлари ва ҳаракатларини муайян равишда тартибга солиш, бошқаришни таъминлайди. Ахлоқнинг моҳияти унинг негизи ва кишилар ҳулқ атворида тегишли туф масалалар инсоннинг ўз асосидаги муҳит ҳақидаги тушунчалар, унинг ўша муҳитга нисбатан муносабати, ҳаётдаги ўрни, масъулияти сингари муҳим муаммоларини ўз ичига олади.

— Илмий нуқтаи назардан ахлоқ қоидалар гуруҳларга бўлинадими?

— Жамият ҳаётида буюк мутафаккирлар ва халқ донишмандлигининг ифодаси бўлиши ҳикматлар инсоннинг қиёфаси, унинг ахлоқий поклиги билан ўлчанишини кўрсатиб, разил, ярамас хулқлардан ҳоли бўлишга, ақл идрок билан яшашга чақирганлар. Донолар айтибдурларки, инсонни ҳайвондан юқори қўйган, уни дунёнинг сирларини дароқ қўйган нарсалар ҳикмат, ақл, қаноат ва адолатдир.

нийликка зид бўлган иллатлар ҳисобланган. Чунки одам ўзи учунгина меҳнат қилиб, машхур олим, катта амалдор ёки ажойиб шоир бўлиши мумкин. Аммо бу ҳол унинг ҳақиқий баркамол даражага етганидан дараж бермаган. Улуғ шоир ва мутафаккир Алишер Навоий таърифида кўра киши қиёфаси унинг инсонийлиги билан ўланади:

Менга не ёру, не ошиқ хавасдур,  
Агар мен одам бўлсам ушбу басдур.

Шоирнинг фикрича, кишининг

Одами эрсанг...

## МЕНГА НА ЁРУ, НА ОШИҚЛИК ҲАВАСДУР...

Савод чиқармоқ, илм олмақ, нарсани атрофида ўрганиш ҳикматга тегишли. Тадбир, сабр, марҳамат ва назокат ақлга тааллуқлидир; ҳаё, олижаноблик, ўзини тиймоқ қаноатдандир. Тўғрилиқ, ваъдага вафо, эзгулик, инсонийлик адолатга тегишлидир. Бу сифатларнинг ҳаммаси бир одамда муккасманлашса ундай одамни саодат гангитиб қўймайди. Бошига бахтсизлик, қулфат тушса ҳам саросимига сола олмайди, дейдилар.

— Дарвоқе, донолар ҳақида гапирдингиз. Ахлоқ бобидан ўринимизда яшаб ўтган мутафаккирлар томонидан қайси фазилатлар кўпроқ ўтулган?

— Шайх Баҳоуддин Нақшбанд дебдиларки, хулқни чиройли қилиш, сўз ва феълни соз қилишдир. Адабни сақлаш муҳаббат самараси, муҳаббат дарахти, муҳаббат уруғидур. Шунинг учун худбин, ахлоқий бўзуқлик инсо-

қадр қиммати унинг бойлиги ёки мартабаси билан эмас, балки маънавий қиёфаси, ҳаё ва одоб билан белгиланади:

Элга шараф келмади жоҳу насаб,

Лек шараф келди ҳаёву одоб.  
Яхши ахлоқий сифатларни ўзида муккасманлаштириш ва уларга риоя қилиш инсонийликнинг муҳим белгисидир. «Одам» деган улғу номга эришиш учун ҳар бир кишидан инсонийлик қонунларига амал қилиш ҳамда хатти-ҳаракатларини виждон билан ўлчаб талаб қилинади. «Одам бўлиш»нинг маъноси идрок ва заковатга эришишни, яъни очик фикрли, хуштабиатли, зийрак бўлишни, нафсини бузуқ ишлардан сақлаб, ҳақиқий баркамоллик сари боришдир. Инсоннинг баркамоллиги унинг яхшилигида, бошқалар учун қилган фойдали ишларида ифодаланади. Бу ҳақда шоир шундай дейди:

Вагар яхшилик кимга аёфол эрур,

Жазоси анинг ганжи иқбол эрур.

Сўхбатдош

Абдумалик АБДУРАҲМОНОВ.



Футбол барча ёшдагилар учун энг сеvimли уйин ҳисобланади. Шаҳримизнинг катта-кичик уйингоҳлари ҳозирги баҳор кунларида айниқса гавжум. Ана шундай беллашувларда кишилар ишдан бўш вақтларда мароқли ҳордиқ чиқармоқдалар.

Алимурод Мамадаминов олган сурат.

Азим пойтахтимизнинг маълум ва машхур «Чорсу» деҳқон бозорига ҳар кўни ўзқ-яқиндан минглаб сотувчи-ю харидорлар келадилар. Бу ерда олди-сотиб доимо авжида бўлади. Шайхонтохур тумани ички ишлар бўлимининг бозор қошидаги жамоат тартибини сақлаш ҳудуд нозирлиги ходимларининг асосий вазифаси сотувчи ва харидорни тўғри хил қингир тавозулардан ҳимоя қилишдир. Тахрибали, олий маълумотли хуқуқшунос М. Ражабов бошчилик қилаётган бу нозирлик постини ўз ичига давомида жамоат тартибини сақлаш боваридики намунали хизматлари учун Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, шаҳар ва туман ички ишлар бошқармалари Фахрий ёрлиқлари, қимматбаҳо совғалари билан тақдирланган.

Бу тартибини сақлаш жамоаси ҳозирги иқтисодий ислохотлар шаклланаётган даврда бозорда ва бозор атрофи ҳудудидида АҚШ долларлари, Россия рубли, Германия маркаси, қозоқ тангаси каби чет эл валютаси билан чайқовчиллик қилаётган кимсаларга қарши кураш олиб бормоқда. Нисбатан қисқа муддат — икки ярим ой давомида ана шундай гайриқонуний валютасурушлардан турт фукуро Ўзбекистон Республикаси жиноят мажмуаси 78-модда, 1-банди бўйича жиноий жавабгарликка тортилди ва суд томонидан қилиншига яраша жазо олди. 146 фукорога нисбатан эса маъмурий жазо чоралари қўланди.

Наманган вилоятидан келган, 1960 йилда тутилган, ҳеч қандай ишламайдиган М. Абдуллошев 650 АҚШ долларини сотиш пайтида, тошкентлик Х. Сиддиқов (25 ёшли забардаст йигит, у ҳам ҳеч қандай ишламайди) 150 АҚШ долларини ва 14985 сум билан олди-сотиб қилаётганда, тошкентлик Ш. Қўчқоров ҳам 201 АҚШ долларини чайқов бозори нархидида пуллаётганда, «Чорсу»га ташириб буюрган, 1963 йилда тутилган, иш жойи, касби-ҳунарининг тайини йўқ А. Антенов 1 миллион 750 минг руб. рублини сотаётганда катта нозир М. Ражабов, ёрдамчи нозирлар А. Қурбонбоев ва Д. Бозоровлар томонидан ушландилар.

Бундан ташқари «Чорсу»га Сирдарё ви-

лоятдан келганлардан Д. Ҳакимов 45 минг руб. рублини, Тошкент вилояти Қибрай туманилик А. Юсупов 2013 қозоқ тангаси, Қозғоситоннинг Чимкент вилояти, Туркестон туманилик М. Зайтаев 9 минг, шу вилоятнинг Чордара туманилик А. Абду-жаббаров эса 11 минг қозоқ тангасини,

сотаётганликлари учун Ўзбекистон Республикаси маъмурий мажмуасининг 173-моддаси бўйича маъмурий жазога тортилиб, улардан давлат фойдасига жарималар ундирилди. Валютафурушларнинг танобини тортиш жараёнида бу нозирлик жамоаси бир неча бор АҚШ долларини, Россия рубли каби чет эл валюталарининг тасвири—рамзи туширилган қалбаки пуллари ҳам қўлга туширишга муваффақ бўлган. Жамиятга катта молиявий-иқтисодий зарар етказишга қўл урган ана шу қалбаки валютасотарлар ҳам қилмишларига яраша қонун олдида ўз «насиба»ларини топдилар.

Маъмур пост шунингдек энг оғир ва хавфли жиноятлардан ҳисобланган гиёвандлик моддаларини сотиш, тарқатиш билан шуғулланувчилар билан ҳам самарали кураш олиб бормоқда. Чунончи, яқинда М. Ражабов, Д. Бозоров, А. Қурбонбоев бозор ҳудудидида Наманган шаҳрида истикомат қилувчи, иш жойининг тайини йўқ 1960 йилда тутилган Х. Тожибоев 450 грамм, Тошкент вилояти, Зангиота туманида яшовчи 33 ёшли ҳеч қандай ишламайдиган Қ. Ўзбосаров эса 250 грамм қўлбола нашани пуллаётганларида уларни қўлга туширдилар. Гиёвандфурушлар Ўзбекистон Республикаси Жиноят мажмуасининг тегишли моддасига биноан қилмишларига яраша суд томонидан жиноий жавабгарликка тортилдилар.

«Чорсу» жамоат тартибини сақлаш ҳудуд нозирлиги жамоасига унинг кўп қиррали фаолиятида туман Ички ишлар бўлимининг жиноятнинг олдини олиш, жиноят-қидирув, воғга етмаганлар билан ишлаш каби бўлиммалари, шунингдек Шайхонтохур туман ҳокимлиги махсус маъмурий комиссияси ходимлари ҳам яқиндан қўмақлашмоқдалар.

Малик НУРИДДИНОВ.

СУРАТДА: М. Ражабов валютасуруш иши билан танишмоқда.



Хоразм вилояти, Ҳонқа туманилик Қ. Шербоев 90 минг руб. рублини, Фарғона вилояти, Риштон туманилик Б. Турабоев 70 минг руб. рублини гайриқонуний равишда

Бозор ҳар кунгидек гавжум. Одамларнинг қўли қўлига тегмайди. Аммо бозорда доим фақат савдо билан шуғулланадиганлар келавермас экан. Самарқанд вилоятининг Каттақурғон туманидан келган А. Исми киёмсанинг нияти умуман бошқача бўлиб чиқди.

Тошкент деб аталмиш шаҳри асимда «Аския» бозори борлигини биринчи бор эшитган А. ҳеч иккиланмай тўппа-тўғри шу еққа йўл олди. Эрта тонгда поезддан тушган, бозорга келдию лекин кирмади. Тўғрироғи, киргиси келмади. Чунки ёнида пули ҳам йўқ эди-да. Унда нимага келдию бозорга кирмади деб ўйларсиз. Гап шундаки, унинг бошига шум фикр, нопок ният келиб ҳеч тинчлик бермасди. Миёсида гимирсиб юрган шумликни амалга оширгунча ўзига келолмади. Охири йўл чеккасида турган «КАЗ» русумли юк машинасининг олдида борди-да кабинани ичига бир разм солди. Қўлга илгарлик нарсаси борлигини қуриб ҳунарини ишга солишга киришди. Чўнтагидан бир даста машина қалитларини олиб бир-бир очиб кўра бошлади. Ниҳоят эшикни очди ҳам. Оладиганини олдию ура қўча бошлади. Шу тонгда машина ҳайдовчиси ҳам бозордан чиқиб қолди. Қарасаки, ма-

Қилмиш—қидирмиш

## «АСКИЯ» БОЗОРИДАГИ ҲАНГОМА

шинасининг эшиги ланг очик. Бир ўрта яшарлар чамасидаги киши шубҳали равишда чопиб кетмоқда. Ҳайдовчи анча жисмонан бақувват ва эпчилроқ экан, қанд уйғурганда ўрнининг олдида тўсиб чиқди. Курсаки, унинг қўлида «Электроника» магнитофони. Дарҳол бозорда тартиббузарликларга нисбатан курашиб ва унинг олдини олиб юрган милиция ходимларини ёрдамга чақирди.

Самарқандлик «гастролчи» дарров қўлга олинди. Дастлабки суриштирув ҳаракатларини Яққасарой туман ички ишлар бўлими катта терговчиси, милиция капитани Комил Умарқулов олиб борди. Унинг маълумотларига кўра, А. бу нопок йўлдан илгари ҳам бир неча бор юрган экан. Муқаддам судланган бу шахс ўзига тегишли ҳулоса чиқариб олмаган ва яна шу разил ишга қўл урганлигини тан олмоқда.

Тошкент шаҳрининг «Аския» бозорида ўзига яраша «ҳангома» қилмоқчи бўлган А. ниятига етолмади. Қилмиш-қидирмиш деб шунга айтишди-да.

Мирзараҳим МАМАЖОНОВ.

Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси матбуот хизмати ходими.

Бош муҳаррир Эркин ЭРНАЗАРОВ.

## ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА БИЛДИРУВЛАР

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги  
Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги  
**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ ИЧКИ ҚЎШИНЛАР БОШҚАРМАСИНИНГ 75 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНАДИ.**  
**ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА 13, 14 май соат 18.00 да «КУЛГИ ВА ҚЎШИҚ КЕЧАСИ» КАТНАШАДИЛАР:**  
**Сўз устаси, киноактёр МИРЗАБЕК ХОЛМЕДОВ ва «МИРЗО» КИЗИҚЧИЛАР ТЕАТРИ**  
**Тошкент вилояти Ёшлар Иттифоқининг совриндори, хушовоз хонанда ИСМОИЛЖОН ҒУЛОМОВ**  
**Чипталар Халқлар дўстлиги саройи кассаларида сотилмоқда.**  
**Маълумот учун телефонлар: 45-07-65, 45-92-51.**

### ЙЎЛОВЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

Мунис кўчаси бўйлаб иссиқлик тармоқларини таъмирлаш ишлари олиб борилиши муносабати билан

**1995 йил 1 МАЙДАН БОШЛАБ 52-АВТОБУС МАРШРУТИ ЙЎНАЛИШИ** «Кўйлик-1» охири бекатдан Тошкент автомобиль халқа йўли орқали «Кўйлик-4» гача бир томонлама ва Фарғона йўли кўчаси бўйича белгиланган йўналиш бўйича ҳамма бекатлар орқали ҳаракат қилади.

«ТАШТЕПЛОСЕТЬ» корхонаси.

**ХУСУСИЙ ҲОВЛИ-ҲОЙЛАРДА ЯШОВЧИ АҲОЛИ ДИҚҚАТИГА!**  
**ТОШКЕНТ «СУВСОЗ» ТРЕСТИ**  
томорқалардаги экинларни водопровод суви билан сугориш, йўлқалар, майдонлар, хиёбонларга водопровод сувини сепиш таъқиқланганлигини  
**ЭСПАТАДИ:**

Баъзи ҳоллардагина тунги соатларда (23.00 дан 06.00 гача) гул ва кўчатларни сугоришга рухсат этилади. Сугориш учун ишлатиладиган сув ҳақи эркин шартномада белгиланганидан икки баравар қиммат (Тошкент шаҳар ҳокимининг 1994 йил 18 октябрдаги 438 Ф рақамли қарорига биноан 1 кв.м.га сарфланадиган — 4,5м3 учун — 54 тийин белгиланган).

Водопровод сувидан рухсатсиз сугориш ҳоллари аниқланганида юқори босим билан водопроводдан бир ой давомида оқиб ўтиши мумкин бўлган ҳажмдаги сув учун ҳақ ундириб олинади.

**ЁДДА ТУТИНГ!**

Сув ва канализациядан фойдаланганлик учун ўз вақтида ҳақ тўланмаса қўшимча огоҳлантиришсиз водопровод узиб қўйилади.

**Маълумот учун телефон: 56-62-45.**

**ДИҚҚАТ!**  
**НИЗОМИЙ НОМЛИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ ЧЕТ (инглиз, немис, француз, шунингдек ўзбек) ТИЛЛАРИНИ ЎҚИТИШ**  
**3 ОЙЛИК, ДОИМИЙ ПУЛЛИК КУРСЛАРИГА ТИНГЛОВЧИЛАР КАБУЛ КИЛАДИ**

**Тўлов усули ҳар-хил.**

Ташкилотлар ташаббуси билан дарслар жойларда ўтказилиши ҳам мумкин.  
**ДАРСЛАР ГУРУҲЛАР ТУЗИЛИШИ БИЛАН БОШЛАНАДИ.**

**Манзилгоҳимиз:** Тошкент шаҳри, Глинка кўчаси, 7-уй. Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институти, 4-қават, 11-хона, чет тиллар кафедраси.

Телефонлар: 54-63-11, 55-47-81; 48-10-44 (кеч-курин).

**МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ! ВАКТИНГИЗ БЕКОР КЕТМАЙДИ.**

**ФИРМАГА**  
**ШОШИЛИНЧ РАВИШДА ДИСКО КЛУБАДОИМИЙ ИШЛАШ УЧУН**

директор,  
официантлар,  
барменлар,  
ошпазлар,  
ошхона ходимлари,  
қоровуллар



## КЕРАК

**МЕҲНАТ ҲАҚИ — ИШБАЙ-МУКОФОТЛИ.**  
Соат 9.00 дан 17.00 гача 22-50-20 рақамли телефон бўйича мурожаат қилинг!

|                                                           |                                                                                                    |                                                                                          |                                                                                                                                       |                                                                                                                       |
|-----------------------------------------------------------|----------------------------------------------------------------------------------------------------|------------------------------------------------------------------------------------------|---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| <p><b>Муассис:</b><br/><b>Тошкент шаҳар ҳокимлиги</b></p> | <p>Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот ўқимасида рўйхатга олинган. Рўйхат соғи ~ 10.</p> | <p><b>Манзилгоҳимиз:</b><br/>700000, Тошкент шаҳри, ГСП, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.</p> | <p><b>Телефонлар:</b><br/>хатлар ~ 33-29-70;<br/>эълон ва тижорат хабарларини жойлаштириш масалалари бўйича ~ 56-54-68, 32-56-66.</p> | <p>Эълонлар ва тижорат хабарлари аниқ ва таърифли учун жавобгарлик уларни берган таърифли ва шартлар таърифлидир.</p> |
|-----------------------------------------------------------|----------------------------------------------------------------------------------------------------|------------------------------------------------------------------------------------------|---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|